

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ КИШИ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Санобар Абдурасулова Ибрагимовна.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги

103-мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

Аннотация: Мамлакат, таълим – тарбия, ислоҳот, билим ва тажриба, таълим муассасаси, ўқитувчи, ислоҳот, ўқувчи ёшлар, технология, таҳлил, зарурат, долзарб вазифалар.

Калит сўзлар: Мамлакат, Юрт, ислоҳот, тараққиёт, ўғил-қизлар, таълим-тарбия, таҳлил, вазифа, педагог.

Мамлакатимизда таълимни тубдан ислоҳ қилиш жараёнига оид педагогик технологияларни жорий қилиш ижтимоий зарурат ҳисобланади. Бу кўрсатма ва маълумотларни амалда қўллаш бугунги кунда таълим муаммолари билан шуғулланувчи барча таълим муассасалари ўқитувчилари учун ниҳоятда муҳим ва долзарб вазифадир. Ушбу муаммоларни таҳлил қилишдан аввал қуйидаги маълумотлар, тушунча ва атамалар устида тўхтаб ўтиш лозим. Давлатимиз раҳбари болалар тарбияси жараёнида ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдақлардан фикр ва тафаккурни тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, ёш авлодни тарбиялашнинг асосий бўғини бўлган бошланғич таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлаганлар. Замонавий бошланғич синф ўқитувчилари ушбу вазифаларни ҳал этиш учун ташкилий жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам бошланғич таълимнинг интегратив характерини, ўзининг бўлажак касбий фаолиятининг интегратив йўналганлигини аниқ ҳис қила олиши зарур. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигида интеграциялаш зарурати унда касбий

компетентликни шакллантириш самарадорлигини белгилаб берувчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, интегратив ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилгандагина бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги самарали бўлади. Конференциялар ташкил этилиши илмий тадқиқотларимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Замонавий педагогик технологиялар моҳияти ўқувчига билим бериш, уларни тўлик ўзлаштиришдан иборат. Таълим муассасаларида педагогик технологиялар асосида дарс ўтишда асосий талаб ўқувчининг ҳаётий тажрибаси, аввал ўзлаштирган билими ва қизиқишлари асосида янги билим беришни кўзда тутати.

Бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккурини ривожлантириш ҳам ўқитувчи –педагоглар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Тафаккур тушунчаси таълим назарияларида психологлар ва педагоглар учун марказий ҳисобланади. Таниқли психолог А.Н. Леонтьев тафаккурга қуйидаги таърифни берган: **“Тафаккур – ҳақиқатни унинг алоқалар ва муносабатлар каби объектив хусусиятларида акс эттириш жараёни, уларга бевосита ҳиссий идрок этиш имкони бўлмаган объектлар ҳам киритилади”**.

Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ўзининг куп қирралилиги билан намоён бўлмоқда. «Ўқувчининг руҳий ҳолатлари, унинг келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олинапти?», деган саволларнинг ечи-мига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, педагогик технология шахс ривожланиши босқичларини лойиҳалаштириш, ташҳислаш ва дифференциялаш имкониятларига эга. Ривожлантирувчи таълим тизими тафаккурнинг эмпирик даражасидан мавҳум тафаккурга ўтишни назарда тутати. Ўқувчилар аниқликларга таянмаган ҳолда муаммоларни қанчалик яхши ҳал қила олсалар, улар таълимда шунчалик муваффақиятли бўладилар. Бу педагогнинг таълим технологияларидан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Узлуксиз таълим тизимида замонавий педагогик, ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқув материалларини ўқувчи томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш самарасини оширади. Шу боис шахсий компьютерлар таълим воситасига айланмоқда. Бу шахсий компьютер ўқитувчининг барча функцияларини ўз зиммасига олди,

дегани эмас, албатта. Балки ўқувчининг шахсий компьютер билан ишлаши таълим жараёнини самарали ташкил қилишга имконият яратади. Дидактик ўйинли таълим технологиясининг ўзига ҳос жиҳати, анъанавий таълимдагидан фарқ қилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг мустақиллиги ва ўқув фани фаолиятини та-қиқламасдан, балки белгиланган мақсадга йўналтириш ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этишни талаб этади. Уларни фаолиятига онгли равишда йўллаш бирор-бир фаолиятни буйруқ орқали амалга оширмасдан, балки самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларда фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши имкониятларини чегараламасдан эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Холметов М. Тарбияда дидактик уйинларнинг аҳ,а-мияти. II «Маърифат», 2002, б-шн. -1б-б.
2. Зиқиряев А. ва бошкалар. Уқувчилар билимини тек-ширишда инновацион технологиялар. II «^лк, таълими» журнали, 2001, б-сон. -19-б.
3. Интернет манбаалари.